

«ALFA LIFE INSURANCE» АЖ Бош директорининг «27» март 2025 йилдаги 20-ИЧ - сонли буйруғига асосан Тасдиқланган ва «01» апрель 2025 йилдан амалга киритилган

ҚАРЗ ОЛУВЧИНИНГ ҲАЁТИНИ ЯККА ТАРТИБДА СУҒУРТАЛАШ БЎЙИЧА ОММАВИЙ ОФЕРТА

Ушбу Оммавий оферта (кейинги ўринларда – «Оферта») “ALFA LIFE INSURANCE” Акциядорлик жамияти (кейинги ўринларда – Суғурталовчи) томонидан аниқ белгиланмаган доирадаги жисмоний шахслар – Мижозларга (кейинги ўринларда – Суғурта қилдирувчи) интернет ва (ёки) ахборот тизимлари орқали қўйидаги суғурта шартлари асосида Суғурта шартномасини (кейинги ўринларда – Суғурта шартномаси) тузиш учун қилинган таклифдир. Шартнома томонлари – Суғурталовчи, Суғурта қилдирувчи ва Наф олувчи (фойдасига суғурта шартномаси тузилган жисмоний шахс).

Суғурта шартномаси Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 367-моддаси, 369-моддасининг 2-қисми ва 370-моддасига, шунингдек ҳаёт суғуртасининг I классига мувофиқ тузилади ва Мижоз томонидан ушбу Офертада назарда тутилган ҳаракатлар содир этилган пайтдан эътиборан кучга кирази ҳамда ҳеч қандай истисно ва чекловларсиз сўзсиз қабул қилинганини англатади.

Суғурта шартномаси ушбу Оферта шартлари қабул қилиниб, интернет ва (ёки) ахборот тизимлари орқали суғурта учун ариза тақдим этилгандан ҳамда суғурта мукофоти тўланганидан кейин тузилган ҳисобланади.

Ушбу Оферта шартларига кўра, суғурталанган шахс сифатида фойдасига Суғурта Шартномаси тузилган ҳамда ҳаёт ва соғлиқ билан боғлиқ мулкый манфаатлари суғурта объекти ҳисобланган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий ёки вақтинча яшаётган хорижий фуқаролар, шунингдек фуқаролиги бўлмаган шахслар бўлиши мумкин. Суғурталанган шахслар Суғурта полисида кўрсатилади.

Суғурта қилдирувчи суғурта Шартномасини тузиш ҳуқуқи ва лаёқатига эга эканлигини тасдиқлайди ҳамда суғурта шартномаси тузилиши натижасида юклатилган мажбуриятлар учун жавобгар бўлишни тушунади. Матнда «Оферта», «Суғурта Шартномаси» ва «Полис» атамалари ушбу электрон ҳужжатга нисбатан бир хил маънони англатади.

1-БЎЛИМ. АТАМАЛАР МАЗМУНИ

1.1. Агар қайсидир атаманинг маъноси алоҳида келишилмаган бўлса ва қонун ҳужжатлари ҳамда меъёрий ҳужжатлар асосида аниқланмаса, ундай атама одатдаги луғавий маънода қўлланади.

1.2. Ушбу Офертада фойдаланилган асосий атамалар қўйидаги маъноларни англатади:

Наф олувчи – фойдасига суғурта шартномаси тузилган ва унинг шартларига мувофиқ суғурта товони ёки суғурта пулини олувчи юридик ёки жисмоний шахс. Суғурта Шартномасига мувофиқ, агар Шартномада бошқаси назарда тутилмаган бўлса, Наф олувчи Суғурталанган шахснинг меросхўрлари ҳисобланади.

Суғурта ҳудуди – суғурта Даврида содир бўлган Суғурта ҳодисаси натижасида Суғурталовчининг зиммасига Суғурта тўловини амалга ошириш мажбурияти юзага келадиган ҳудуд. Ушбу Офертада суғурта ҳудуди сифатида – бутун дунё белгиланади.

Суғурта Шартномаси – Суғурталовчи Шартномада назарда тутилган шартлар, истиснолар ва унинг ажралмас қисми бўлган иловаларга мувофиқ, Суғурталанган шахс билан Суғурта ҳодисаси содир бўлган тақдирда қўйида кўрсатилган тартиб ва миқдорда Наф олувчига Суғурта тўловини амалга ошириш мажбуриятини ўз зиммасига олган келишув. Бунда Суғурта қилдирувчи шартномада келишилган миқдор ва муддатларда суғурта мукофотини тўлаган бўлиши лозим. Суғурта Шартномаси Кредит шартномаси асосида тузилади, унинг шартларининг етарлилиги ва мақбуллиги Шартнома бўйича хатар даражасини аниқлашда асосий омил ҳисобланади.

Суғурталанган шахс – суғурта Шартномаси тузилган пайтда 18 ёшдан 70 ёшгача (70 ёшни қўшган ҳолда) бўлган, муомала лаёқатига эга ва ҳаёт-фаолиятини мустақил таъминлай оладиган, ҳаёт ва соғлиқ билан

боғлиқ мулкрий манфаатлари суғурта объекти бўлган ҳамда унинг фойдасига суғурта Шартномаси тузилган жисмоний шахс. Суғурта Шартномасига кўра, Суғурталанган шахс – бу Суғурта қилдирувчининг ўзи.

Суғурталанган шахснинг вакили – Суғурталанган шахс вафот этган ёки муомалага лаёқатсиз бўлиб қолган тақдирда, Суғурта ҳодисасига оид ахборот ва ҳужжатларни тақдим этиш учун ваколат берилган меросхўр ёки бошқа жисмоний шахс.

Кредит шартномаси – Кредит олувчи (Суғурта қилдирувчи) билан кредит ташкилоти («UNA MOLIIYA» МЧЖ) ўртасида тузилган, кредит (қарз) ажратишни назарда тутадиган ҳамда барча қўшимчалар, ўзгариш ва илова (лар)ни ўз ичига олган шартнома бўлиб, унинг асосида суғурта Шартномаси тузилади.

Суғурта даври – Суғурта Полисида кўрсатилган вақт Даври бўлиб, унинг давомида Суғурта ҳудуди доирасида Суғурта ҳодисалари содир бўлган тақдирда Суғурталовчининг Суғурта тўловларини амалга ошириш мажбурияти мавжуд бўлади.

Суғурта тўлови – Суғурталовчи томонидан Суғурта ҳодисаси юз берганида, суғурта Шартномасига мувофиқ ва суғурта Даври ҳамда Суғурта суммаси доирасида Наф олувчига тўланадиган пул маблағлари.

Суғурта мукофоти – Суғурта қилдирувчи томонидан Суғурталовчига бутун суғурта даври учун бир марталик тўланадиган пул маблағи.

Суғурта пули – суғурта Шартномаси (полис)да белгиланган пул маблағлари суммаси бўлиб, Суғурталовчининг ушбу Шартнома доирасида Наф олувчига Суғурта тўловини амалга ошириш бўйича мажбуриятининг юқори чегаравий ҳажмини англатади. Суғурта суммаси миқдори Кредит шартномаси бўйича суммадан келиб чиққан ҳолда белгиланади (қарз ёки кредит бўйича фоизлар, жарима, пеня ва бошқа ҳар қандай мажбурият ёки тўловлар бундан мустасно).

Суғурта полиси (Полис) – Суғурталовчининг ушбу Шартнома бўйича мажбуриятлари кучга кирганини тасдиқловчи ва Суғурта қилдирувчи Суғурта мукофотини тўлаганидан кейин унга бериладиган ҳужжат.

Суғурта ҳодисаси – суғурта Даврида ва суғурта Ҳудуди доирасида содир бўлган ҳодиса, унинг содир бўлиши билан Суғурталовчининг Наф олувчига Суғурта тўловини амалга ошириш мажбурияти юзага келади.

2-БЎЛИМ. СУҒУРТА ШАРТНОМАСИНИ ТУЗИШ ВА БЕКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ

2.1. Ушбу Оферта Суғурталовчи томонидан Суғурта қилдирувчига суғурта хизматларини сотиш ва кўрсатиш шартлари белгилаб берилган электрон ҳужжат ҳисобланади.

2.2. Суғурта шартномаси (полиси) Суғурта қилдирувчи томонидан интернет ва (ёки) ахборот тизимлари орқали Суғурталовчига тақдим этилган маълумотлар асосида расмийлаштирилади.

2.3. Суғурта қилдирувчи суғуртани расмийлаштириш пайтида тақдим этган маълумотларнинг ҳаққонийлиги учун жавобгарликни ўз зиммасига олади ва ушбу маълумотлар тақдим этилган ҳужжатлар ҳақиқийсига мос келмаса, суғурта ҳодисаси юз берганда Суғурталовчи суғурта товонини тўлашни рад этиш ҳуқуқига эга эканига рози бўлади.

2.4. Ҳужжатлардаги маълумотлар автоматик тарзда суғурта Шартномаси (полис)га киритилади.

2.5. Барча маълумотлар ҳужжатларнинг аслига тўлиқ мувофиқ ҳолда кўрсатилиши шарт.

2.6. Суғурта шартномаси томонлари ушбу Офертани қабул қилиш ва Суғурта қилдирувчи томонидан Суғурта полисини олиш орқали Суғурта шартномасининг (Суғурта полиси) тўғри тузилганлиги тасдиқлайдилар.

2.7. Суғурта шартномаси ва Суғурталовчининг Суғурта тўлови бўйича мажбуриятлари Суғурта полиси расмийлаштирилган ва ушбу Оферта қабул қилинган санадан кучга киради, бироқ кредит ташкилоти томонидан кредит (қарз) бериладиган сана ва суғурта мукофоти тўланган кундан олдин эмас ва Суғурта шартномаси (полис)да кўрсатилган якуний санада, соат 24:00 дан эътибордан тўхтатилади (агар суғурта Шартномаси муддатидан аввал бекор қилинмаса).

2.8. Суғурта шартномаси (полис) учун тўлов Суғурталовчи томонидан қўлланиладиган ахборот тизимлари (онлайн) орқали амалга оширилади.

2.9. Қуйидаги ҳолатларда суғурта Шартномаси (полис) ҳақиқий эмас деб топилади:

а) Наф олувчи / Суғурталанган шахс вакили содир бўлган воқеанинг Суғурта ҳодисаси сифатида эътироф этиш учун ёлғон маълумот ёки қалбаки ҳужжатлар тақдим этган бўлса;

б) Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунларида назарда тутилган бошқа ҳолатлар.

2.10. Қуйидаги ҳолатларда Суғурта шартномаси (полис)нинг амал қилиш муддати тугайди:

- а) Суғурталовчи суғурта Шартномаси (полис) бўйича ўз мажбуриятларини тўлиқ ҳажмда бажарганида;
- б) Суд қарорига мувофиқ Суғурта шартномаси (полис) ҳақиқий эмас деб топилганда;
- в) Суғурта қилдирувчининг ёзма мурожаатига биноан;
- г) Суғурталанган шахсга суғурта Даври мобайнида аввалроқ белгиланган пастроқ гуруҳдаги ногиронлик асосида I гуруҳ ногиронликни белгилаш ҳолати, агар ушбу пастроқ гуруҳдаги ногиронлик суғурта Шартномаси (полиси) тузилган санагача берилган бўлса;
- д) Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунларида назарда тутилган бошқа ҳолатларда.

2.11. Суғурта қилдирувчининг ёзма мурожаатига асосланиб суғурта Шартномаси (полиси) бекор қилинган ҳолатларда, агар у Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 948-моддасида кўрсатилган ҳолатлар билан боғлиқ бўлмаса, тўланган суғурта мукофоти қайтарилмайди.

2.12. Агар суғурта Шартномаси (полис)ни муддатидан аввал бекор қилиш талаби Суғурталовчининг ўз мажбуриятларини бузиши билан боғлиқ бўлса, тўланган Суғурта мукофоти Суғурта қилдирувчига тўлиқ ҳажмда қайтарилади.

3-БЎЛИМ. СУҒУРТА ҲОДИСАЛАРИ

3.1. Ушбу Офертага мувофиқ суғурта Даврида ва суғурта Ҳудуди доирасида Суғурталанган шахс билан содир бўлган қуйидаги воқеа Суғурта ҳодисаси деб эътироф этилади:

- Суғурталанган шахснинг ҳар қандай сабабга кўра вафот этиши, фақат 4-бўлимда келтирилган ҳолатлар бундан мустасно.

4-БЎЛИМ. УМУМИЙ ИСТИСНОЛАР

4.1. 3.1-бандда келтирилган воқеа қуйидаги ҳолатлар билан бевосита ёки билвосита боғлиқ бўлса Суғурта ҳодисаси деб тан олинмайди ва у бўйича суғурта тўловлари амалга оширилмайди:

а) Суғурта қилдирувчи / Наф олувчи, уларнинг вакиллари, оила аъзолари ҳамда ходимларининг суғурта ҳодисаси содир бўлишига йўналтирилган қасддан қилинган ҳаракатлари, ўз фуқаролик бурчини бажариш ва ҳимоя қилиш билан боғлиқ ҳаракатлар бундан мустасно;

б) ОИТС, ОИВ-инфекцияси, онкологик касалликлар, руҳий касалликлар, агар ушбу хасталиклар суғурта ҳодисаси юзага келишига таъсир этган бўлса;

в) Суғурта қилдирувчи / Наф олувчининг жиноий ёки маъмурий ҳуқуқбузарлик белгиларига эга хатти-ҳаракатлари;

г) Суғурталанган шахснинг ўз жонига қасд қилиши (ўзига тан жароҳатлари етказиши);

д) Суғурталанган шахснинг хавfli ишларни бажаришда қонун талабларига риоя қилмаслиги;

е) Суғурталанган шахс томонидан ёнғин хавфсизлиги ва бошқа хавфсизлик қоидаларига риоя қилинмаслиги;

ё) Суғурталанган шахснинг қуйидагилар билан чекланмаган ҳолда, экстремал спорт турлари билан шуғулланиши: қоятошларга чиқиш, альпинизм, парашют спорти, овчилик, от спорти, автопойга, ҳайдовчи ёки иштирокчи сифатида мусобақаларда қатнашиш, авиация спорти турлари, жанговор спорт турлари (мусобақаларда қатнашиш), дайвинг, ҳаво шарида учиш ва ҳ.к.;

ж) Суғурталанган шахснинг этил спирти ва алкоголь сақловчи суюқликлар, шифокор тавсиясиз ҳамда кайф қилиш мақсадида қабул қилинган кучли таъсир этувчи (наркотик) препаратлар, токсик моддалар билан заҳарланиши;

з) Суғурталанган шахснинг лицензияланган авиакомпаниянинг йўловчи самолётидан бошқа ҳар қандай учиш қўрилмасида учиши;

и) Қуйидаги касб эгалари ёки меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи шахслар: автопойгачи, альпинист, дарахт кесувчи, баландликда ишловчи, сув остига шўнғирувчи (водолаз), ҳарбий, геолог, жокей, тоғ чанғи спорти инструктори, синовчи (автотранспорт ёки самолёт), каскадёр, космонавт, кранчи, қиморхона хизматчиси, инкассатор, пиротехник, портловчи моддалар бўйича мутахассис, профессионал спортчи, парашютчи, атом электр станцияси ходими, инкассация хизмати ходими, қутқарув хизмати ходими, йиртқич ҳайвонларни парваришловчи ходим, ёршунос, портлатиш ишлари бўйича мутахассис, кўприк қурувчиси, тоннель қурилиши ишчиси, стюард/стюардесса, цирк ходимлари (йиртқич ҳайвонлар ўргатувчиси/мураббий, акробат ва ҳ.к.), кончи, портловчи моддалар ишлаб чиқариш ва сақлаш ходими, парвозни бошқариш таркиби, денгиз ва дарё кемаси экипажи аъзолари, Ўзбекистон Республикаси

Қўролли кучлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идора хизматчилари, ўт ўчирувчи, қўрол олиб юриш ҳуқуқига эга хавфсизлик хизмати ходими, терговчи/детектив, тансоқчи;

к) Ҳарбий ҳаракатлар, манёврлар ёки бошқа ҳарбий тадбирлар, оммавий тартибсизликлар, фавқулодда ёки махсус ҳолатлар (эълон қилинган) ва уларнинг оқибатлари, халқ ғалаёнлари, иш ташлашлар;

л) Террористик ҳаракатлар;

м) Ядро портлаши, радиация ёки радиоактив ёки кимёвий зарарланиш таъсири;

н) Табиий ва техноген хусусиятга эга фавқулодда ҳодисалар (масалан, zilзила, тошқин, ёнғин, кўчки, қор кўчиши, вулқон отилиши, цунами ва ҳ.к.);

о) суғурта ҳодисасининг суғурта ҳудудидан ташқарида содир бўлиши;

п) суғурта ҳодисасининг суғурта давридан ташқарида содир бўлиши.

4.2. Агар суғурта даврида суғурта ҳодисаси бевосита ёки билвосита Суғурта қилдирувчининг ўз жонига қасд қилиши (суиқасд қилиш) натижасида содир бўлган бўлса ва агар бу вақтгача Суғурта шартномаси икки йилдан кам амал қилган бўлса, Суғурталовчи суғурта суммасини тўлашни рад этиш ҳуқуқига эга.

4.3. Суғурталовчи Суғурта қилдирувчининг суғурта ҳодисасидан келиб чиқадиган билвосита ва бошқа харажатлари, жарима, пеня, неустойка, ижарага олинган транспорт воситасидан фойдаланиш, тикловчи таъмирлаш вақтида меҳмонхонада яшаш, сафар харажатлари, даромадни йўқотиш, туриб қолиш, кафолат муддати ўтиши билан боғлиқ моддий зарарлар, маънавий зарар ва бошқаларга нисбатан, шунингдек исталган бевосита ва билвосита солиқларга нисбатан мажбуриятларни ўтамайди.

4.4. Агар Суғурта қилдирувчи ёки Наф олувчи:

- ушбу Офертада белгиланган муддатларда Суғурталовчини юз берган воқеа (суғурта ҳодисаси) ҳақида хабардор қилмаган бўлса;

- ушбу Офертада кўрсатилган ҳужжатларни ва суғурта ҳодисасини аниқлаш, шунингдек ушбу ҳодисани юзага келган натижа билан боғлиқлигини аниқлаш учун зарур маълумотларни тақдим этмаса ёки аввалдан ёлғон бўлган далилларни тақдим этса;

- ушбу Офертада назарда тутилган ўз мажбуриятларини бажармаган бўлса;

- ушбу Офертада белгиланган муддат ва тартибда Суғурталовчини суғурта ҳодисаси белгисига эга воқеа ҳақида хабардор қилмаган бўлса ва Суғурталовчи суғурта ҳодисаси ҳақида ўз вақтида хабар топмаганлиги ёки бу ҳақда маълумот йўқлиги Суғурталовчининг суғурта товони тўлаш мажбуриятига таъсир қилмаслиги исботланмаса;

- алдов мақсадида зарарни қоплаб бериш талабини илгари сурса;

- Суғурталовчига суғурта ҳодисасининг юзага келишига сабаб бўлган ҳолатларни текширишига тўсиқлик қилса;

- суғурта ҳодисаси содир бўлган пайтда алкоголь, наркотик ёки токсик моддалар таъсири остида бўлса, суғурта ҳодисаси деб ҳисобланмайди ва улар бўйича тўловлар амалга оширилмайди.

4.5. Агар Суғурта қилдирувчи/Наф олувчи томонидан юзага келган воқеага нисбатан ёки суғурта Шартномасини тузиш чоғида ёлғон маълумотлар тақдим этилса, Суғурталовчи зарарларга нисбатан мажбуриятларга эга бўлмайди.

4.6. Суғурталовчи шунингдек, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида назарда тутилган алоҳида ҳолатларда ҳам суғурта товонини тўлашдан озод этилади.

4.7. Ҳеч қандай шароитларда ҳам ушбу офертада кўрсатилмаган ва/ёки баён қилинмаган ҳолатларга (ҳодисаларга) нисбатан Суғурталовчи зиммасида мажбуриятлар бўлмайди. Суғурталовчи Суғурта полиси кучга киргунга қадар ва унинг амал қилиш муддати тугаганидан кейин юзага келган воқеалар учун мажбуриятларни ўз зиммасига олмайди.

5-БЎЛИМ. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Суғурталовчи ўз ваколатига кирмайдиган ҳолатлар ва учинчи шахсларнинг хатти-ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) натижасида юзага келган салбий оқибатлар ва зарарлар учун жавобгар бўлмайди, жумладан:

- Суғурта қилдирувчи ёки Суғурталовчи шахснинг вакили томонидан тақдим этилган маълумот ва ҳужжатларнинг нотўғри, етарли эмаслиги ёки ўз вақтида тақдим этилмаслиги, ёхуд Суғурта қилдирувчи томонидан ушбу Оферта шартлари ва ҳужжатларга қўйилган талабларнинг бузилиши оқибатида ўз зиммасига олган мажбуриятларни бажара олмаслиги;

- ҳужжатларинг ҳақиқийлиги ва расмийлаштирилишининг тўғрилиги (улардаги маълумотларнинг тўғри ва тўлиқлиги) учун;

- алоқа линияларининг ишламай қолиши ёки Суғурта қилдирувчининг айби билан ускуналарнинг нотўғри ишлаши сабабли суғуртани расмийлаштириш имкони бўлмаганда.

5.2. Тарафлар ўз зиммаларига олган мажбуриятларни бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун ушбу Оферта ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўладилар.

5.3. Тарафлар, агар улар томонидан ушбу Оферта бўйича ўз мажбуриятларини бажармаслик енгиб бўлмас куч (форс-мажор) ҳолатларидан келиб чиққан тақдирда, жавобгарликдан озод қилинади. Енгиб бўлмас куч ҳолатлари таъсирига учраган тараф кўрсатилган ҳолатларнинг юзага келганлиги ва улар таъсирининг давом этиши эҳтимоли ҳақида бошқа тарафни воқеа юзага келган санадан 30 (ўттиз) кундан кечиктирмай хабардор қилиши шарт.

5.4. Суд томонидан ушбу Офертанинг муайян бир қоидасини ҳақиқий эмас деб топилиши, қолган қоидаларнинг ҳақиқийлигини инкор қилмайди.

6-БЎЛИМ. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

6.1. Суғурта қилдирувчининг ҳуқуқлари:

а) Суғурта Шартномаси амал қилиш муддати давомида суғурта масалалари бўйича Суғурталовчининг маслаҳатларини олиш;

б) Суғурталовчидан Суғурта шартномаси бўйича ўз зиммасига олган мажбуриятларини бажаришини талаб қилиш;

в) Суғурта шартномасини муддатидан олдин бекор қилиш ва бу ҳақда Суғурталовчини кутилаётган бекор қилиш санасидан камида 30 (ўттиз) кун олдин ёзма шаклда хабардор қилиш.

6.2. Суғурта қилдирувчи/Наф олувчининг мажбуриятлари:

а) Суғурта шартномасида белгиланган миқдор ва муддатларда суғурта мукофотини тўлаш;

б) Суғурта Шартномасини тузиш пайтида Шартнома учун зарур бўлган барча муҳим маълумотларни тақдим этиш;

в) Суғурта Шартномаси доирасида суғурта ҳодисаси деб эътироф этилиши ёки Суғурталовчига Суғурта тўлови бўйича ёки бирор-бир талаб қўйилиши мумкин бўлган воқеа юзага келганида Суғурталовчини мазкур воқеа юзага келганлиги ҳақида зудлик билан Суғурталовчини ушбу Офертанинг 7.1-бандида кўрсатилган муддат ва тартибда хабардор қилиш;

г) Содир бўлган воқеа ҳолатларини ўрганиш учун Суғурталовчига ушбу Офертанинг 7.1-бандида кўрсатилган барча зарур ҳужжатларни тақдим этиш.

6.3. Суғурталовчининг ҳуқуқлари:

а) Наф олувчидан Суғурта шартномаси бўйича ўз мажбуриятларини, шу жумладан, Суғурта тўлови бўйича даъво тақдим этгандан сўнг, Суғурта қилдирувчи зиммасига юклатилган, лекин у бажармаган мажбуриятларни бажаришини талаб қилиш. Суғурта қилдирувчи томонидан аввалроқ бажарилиши керак бўлган мажбуриятларни бажармаслик ёки ўз вақтида бажармаслик оқибатлари Наф олувчининг зиммасига юкланади;

б) Суғурта шартномаси тузилгандан кейин, агар Суғурта қилдирувчи ушбу Офертанинг 6.2 (б) бандида назарда тутилган ҳолатлар бўйича Суғурталовчига қасддан ёлғон маълумотлар тақдим этгани аниқланса, Суғурта шартномасини ҳақиқий эмас деб топиш ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида кўзда тутилган оқибатларни қўллашни талаб қилиш;

в) Наф олувчи ушбу Офертанинг 7.1-бандида кўрсатилган муддатда Суғурта ҳодисасини тасдиқлаш учун зарур бўлган ҳужжат ва маълумотларни тақдим этмаган бўлса, суғурта товонини тўлаб беришдан бош тортиш;

г) агар Суғурта ҳодисаси белгиларига эга воқеа юзага келиши муносабати билан суриштирув ишлари, дастлабки тергов олиб борилаётган бўлса ёки Суғурта қилдирувчига/Наф олувчига нисбатан ҳам судда иш кўрилаётган (суд жараёни кетаётган) бўлса, Суғурта тўлови тўғрисидаги қарорни суриштирув ёки суд ишлари тамомлангунга, ёки Суғурталовчан шахс/Наф олувчининг айбсизлиги тасдиқлангунга қадар кечиктириш;

д) Томонларнинг келишувига биноан суғурта Шартномасига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш;

е) Агар Суғурта қилдирувчи/Наф олувчи суғурта Шартномасида келтирилган шарт ва мажбуриятларини бажармаса, суғурта тўловини тўлашни рад этиш.

6.4. Суғурталовчининг мажбуриятлари:

а) Суғурта қилдирувчига суғурта Шартномасида белгиланган муддатларда Суғурта полисини тақдим этиш;

б) Суғурта ҳодисаси содир бўлган тақдирда суғурта Шартномасида белгиланган тартиб ва муддатларда Наф олувчига Суғурта пулини тўлаб бериш;

в) Касбий фаолияти юзасидан олинган Суғурта қилдирувчининг соғлиғи ва молиявий аҳволи тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек Кредит шартномасида мавжуд тижорат шароитлари ҳақидаги ахборотларнинг махфийлигига риоя қилиш;

г) Наф олувчининг ёзма талабига кўра, Суғурта қилдирувчи томонидан суғурта Шартномаси шартларининг бажарилиши тўғрисидаги маълумотларни тақдим этиш;

д) Суғурта шартномасига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ёки уни бекор қилиш, бу ҳақда Суғурта қилдирувчи ёки Наф олувчини ёзма равишда, оқилона муддатларда, бироқ 30 (ўттиз) календарь кундан ошмаган ҳолда олдиндан хабардор қилиш.

6.5. Наф олувчининг ҳуқуқлари:

а) Суғурта ҳодисаси содир бўлган тақдирда, Суғурталовчидан суғурта Шартномаси бўйича ўз зиммасига олган мажбуриятларни бажаришини талаб қилиш;

б) Суғурта шартномасининг амал қилиши давомида, унинг шартлари бўйича Суғурталовчидан маслаҳатлар олиш.

6.6. Наф олувчининг мажбуриятлари:

а) Суғурта Шартномасида назарда тутилган мажбуриятларни бажариш;

б) Суғурта ҳодисаси белгисига эга воқеа содир бўлган тақдирда, бу ҳақда ҳар қандай усулда имкон даражасида зудлик билан Суғурталовчини хабардор қилиш ва сўнгра ушбу Офертанинг 7.1-бандида кўрсатилган муддат ва тартибда барча зарур ҳужжатларни ёзма шаклда тақдим этиш.

6.7. Суғурта шартномаси Наф олувчи фойдасига тузилгани Суғурта қилдирувчини ушбу суғурта Шартномаси бўйича ўз мажбуриятларини бажаришдан озод этмайди.

7-БЎЛИМ. СУҒУРТА ДАЪВОСИНИ КЎРИБ ЧИҚИШ

7.1. Суғурта Шартномаси доирасида Суғурталовчига нисбатан Суғурта тўловини амалга ошириш мажбуриятини келтириб чиқарадиган воқеа юзага келганда, Наф олувчи воқеа содир бўлган ва воқеани тасдиқловчи ҳужжатларни олган пайтдан бошлаб 30 (ўттиз) календарь кун ичида Суғурталовчига воқеа сабаблари ва ҳолатларини кўрсатган ҳолда ёзма аризани ҳамда қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиши шарт:

а) ўлим тўғрисидаги гувоҳноманинг уни берган ташкилот томонидан тасдиқланган нусхаси ёки нотариал тасдиқланган нусхаси (ўлим тўғрисидаги тиббий гувоҳнома нусхасини илова қилган ҳолда), шунингдек воқеа содир бўлган ҳолатлар ва сабаблар тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган бошқа ҳужжатларнинг нусхалари;

б) Кредит шартномаси бўйича суғурта ҳодисаси содир бўлган пайтдаги ҳолатга оид Суғурта қилдирувчининг тўланмаган асосий қарзи ва ҳисобланган фоизлари тўғрисида Кредит ташкилоти томонидан имзоланган маълумотноманинг асли.

7.2. Агар суғурта ҳодисаси юз берган вақтда тақдим этилган маълумот ва ҳужжатларнинг нусхалари уларнинг асл нусхаларига мос келмаса, Суғурталовчи суғурта товонини тўлашни рад этишга ҳақли.

7.3. Суғурталовчи зарурат бўлганда суғурта ҳодисасига боғлиқ маълумотларни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва бошқа ваколатли муассаса ва ташкилотлардан сўраб олиш, шунингдек унинг сабаб ва ҳолатларини мустақил равишда ўрганиш ҳуқуқига эга.

7.4. Зарур ҳужжатларни олгандан сўнг, Суғурталовчи белгиланган тартибда эълон қилинган ҳодиса бўйича текширув ўтказди, хусусан, ҳужжатларни тақдим этган муассаса/органлардан уларнинг ҳақиқийлигини тасдиқлайди, шундан сўнг содир бўлган воқеани Суғурта ҳодисаси сифатида эътироф этиш ёки этмаслик тўғрисида қарор қабул қилади.

7.5. Зарурат бўлганида Суғурталовчи суғурта воқеасини Суғурта ҳодисаси деб эътироф этилганлиги ёки эътироф этилмаганлиги тўғрисидаги қарорни ушбу Офертанинг 7.1-бандида кўрсатилган ҳужжатларнинг тўлиқ рўйхатини тақдим этишни талаб қилмаган ҳолда қабул қилишга ёки Суғурта ҳодисаси юзага

келганлик фактини белгилаш учун зарур бўлган бошқа ҳужжатларни талаб қилишга ҳақли. Қарор барча зарур ҳужжатлар, шу жумладан суғурта ҳодисаси ҳолатларини аниқлаш ва/ёки унинг суғурта ҳодисаси тавсифига мувофиқлигини ва/ёки етказилган зарар миқдорини аниқлаш учун зарур бўлган қўшимча маълумотлар (ахборот, фактлар) олинганидан кейин, жумладан учинчи томон ташкилотлардан зарур маълумотлар олингач, 15 (ўн беш) иш куни ичида қабул қилинади.

7.6. Агар Суғурта ҳодисасининг юзага келишига сабаб бўлган фактлар бўйича жиноят иши қўзғатилган ёки суд жараёни бошланган бўлса, Суғурта тўлови тўғрисида қарор қабул қилиш суриштирув ёки суд ишлари якунлангунга ёхуд Суғурталанган шахс ёки Наф олувчининг айбсизлиги аниқлангунига қадар кечиктирилиши мумкин.

7.7. Суғурта тўлови рад етилган тақдирда, Суғурталовчи бу ҳақда Наф олувчига унинг Суғурта тўлови юзасидан қилган мурожаатидан кейин 15 (ўн беш) кундан кечиктирмай хабар бериши шарт. Бунда рад этиш сабаблари асослаб берилиши керак.

8-БЎЛИМ. СУГУРТА ТОВОНИ МИҚДОРИ ВА ТЎЛАШ ТАРТИБИ

8.1. Суғурта ҳодисаси содир бўлганда, Суғурталовчи Наф олувчи томонидан ушбу Офертанинг 7.1-бандига мувофиқ ҳужжатларнинг тўлиқ тўплами тақдим этилган кундан бошлаб 15 (ўн беш) иш куни ичида, Суғурта ҳодисаси юз берган тегишли давр учун Кредит шартномаси бўйича қарзни тўлаш жадвалида кўрсатилган асосий қарзнинг қолган қисмига тенг миқдорда бирйўла Суғурта тўловини амалга оширади.

8.2. Агар Суғурта ҳодисаси содир бўлган пайтгача асосий қарз муддатидан аввал тўлов тўланган ёки нолга тенг бўлса, Суғурталовчи Наф олувчига Суғурта ҳодисаси содир бўлган санада Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган базавий ҳисоблаш миқдорининг бир бараварида бир марталик Суғурта тўловини амалга оширади. Кредит шартномаси бўйича Суғурта қилдирувчининг тўловларни ўз вақтида амалга оширмагани сабаб ҳисобланган неустойка суммалари (фоизлар, пенялар, жарималар) қоплаб берилмайди.

8.3. Қарор қабул қилинганидан сўнг Суғурталовчи 3 (уч) иш куни мобайнида Суғурта ҳодисаси тўғрисида Далолатнома тузади. Тарафлар ушбу Далолатномани имзолаган кундан бошлаб 5 (беш) иш куни ичида Суғурта тўлови Наф олувчининг банк ҳисобварағига ўтказиб берилади.

8.4. Суғурта даврида бир Суғурталанган шахс билан содир бўлган бир ёки бир нечта Суғурта ҳодисалари учун Суғурталовчи томонидан тўланган Суғурта тўловларининг умумий миқдори суғурта Шартномасида белгиланган Суғурта пулидан ошмаслиги керак.

8.5. Суғурта тўлови фақат миллий валюта (сўм)да Наф олувчининг Суғурта тўлови тўғрисидаги аризасида кўрсатилган банк ҳисобварағига пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади. Суғурта тўловини амалга ошириш билан боғлиқ харажатлар Суғурталовчи томонидан қопланади.

9-БЎЛИМ. СУГУРТА ДАВРИ

9.1. Суғурта даври бир йил ёки бир йилдан зиёд муддатга белгиланиши мумкин.

9.2. Суғурта ҳимоясини тақдим этиш бўйича Суғурталовчининг суғурта Шартномаси шартларини бажариш мажбуриятлари Суғурта полиси расмийлаштирилган санадан кучга киради ва Суғурта полисининг муддати тугагунга қадар амал қилади.

10-БЎЛИМ. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

10.1. Ушбу Қоидалар, суғурта Шартномаси ёки у билан боғлиқ масалалар юзасидан низо, талаб ёки келишмовчиликлар юзага келган тақдирда, Тарафлар уларни музокаралар йўли билан ҳал этиш чораларини кўрадилар.

10.2. Агар суғурта Шартномаси билан ва унинг бажарилиши, бузилиши, бекор қилиниши ёки ҳақиқий эмаслиги билан боғлиқ тарзда келиб чиқадиган барча низолар, талаблар ёки келишмовчиликларни музокаралар йўли билан ҳал этиш имкони бўлмаса, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари шартларига кўра ҳал қилиниши керак.

11-БЎЛИМ. СУГУРТА МУКОФОТИ ТАРИФЛАРИ (СТАВКАЛАРИ)

11.1. Суғурта тарифларини ҳисоблашда даврий нашрлар, интернет маълумотлари ёки Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг статистик маълумотлари тўпламларидан фойдаланилади.

11.2. Йиллик суғурта тарифи ставкаси қабул қилинаётган қалтисликнинг хусусияти, қоплама кўлами, суғурта даври ва суғурта тўловлари ҳажмига, суғурта ҳодисасининг юзага келиш эҳтимолига таъсир этувчи бошқа омиллар ҳамда Суғурталовчининг суғурта Шартномасини тузиш харажатлари миқдоридан келиб чиққан ҳолда белгиланади ва суғурта пулининг 5,00 дан 15,00 фоизигача бўлган оралиқда ўзгариши мумкин.

12-БЎЛИМ. БОШҚА ШАРТЛАР

12.1. Суғурта шартномасига барча қўшимча ва ўзгартишлар Томонларнинг келишувига асосан ёзма шаклда амалга оширилади.

12.2. Суғурта қилдирувчи/Суғурталанган шахс суғурта Шартномасини тузаётганда Суғурталовчига қуйидагилар учун розилик билдиради:

12.2.1. шахсга доир маълумотларини, жумладан Ф.И.Ш., паспорти ва боғланиш маълумотларини, ПИНФЛ, СТИР, тиббий сирни ташкил этувчи маълумотлар ва ушбу шартнома мақсадларига мос бошқа маълумотларни, шунингдек Суғурталовчига ва унинг ҳамкорларига тақдим этилган ҳужжатларда мавжуд маълумотларни – суғурта Шартномаси шартларини белгилаш ва уни тузиш, маркетинг тадқиқотларини ўтказиш, тузилган суғурта Шартномасининг бажарилишини таъминлаш мақсадларида ишлов берилишига. Шахсга доир маълумотларга ишлов бериш шахсга доир маълумотларни йиғиш, тизимлаштириш, сақлаш, ўзгартириш, тўлдириш, улардан фойдаланиш, уларни бериш, тарқатиш, узатиш, эгасизлантириш ва йўқ қилиш бўйича бир ҳаракатни ёки ҳаракатлар мажмуини амалга ошириш, шунингдек суғурта Шартномаси бўйича мажбуриятларни бажариш учун зарур бўлган бошқа ҳаракатларни амалга оширишдан иборат;

12.2.2. Суғурта сирини ташкил этувчи маълумотларни (суғурта қилдирувчилар, суғурталанган шахслар ва Наф олувчилар ҳақидаги маълумотлар, суғурта қилдирувчилар ва суғурталанган шахсларнинг соғлиги ҳолати, суғурта суммаси каби маълумотлар) Суғурталовчига ва унинг ҳамкорларига тақдим этишга;

12.2.3. суғурта Шартномаси ва унга тааллуқли бошқа ҳужжатларда мавжуд маълумотларни тақдим этишга.

Бу розилик, жумладан, Ўзбекистон Республикасининг «Шахсга оид маълумотлар тўғрисида»ги ва «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги, шунингдек «Кредит ахбороти алмашинуви тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ берилади.

12.3. Томонлар ўз реквизитлари, жумладан манзиллари ўзгарган тақдирда бу ҳақда зудлик билан, ёзма равишда хабар бериши ва суғурта Шартномасига қўшимча келишув тузиш мажбуриятини оладилар. Белгиланган тартибда хабар берилмаган ва қўшимча келишув тузилмаган тақдирда, суғурта Шартномаси доирасидаги барча билдиришнома ва хабарлар аввалги манзилларга жўнатилади ва ўз манзилини ўзгартиргани ҳақида хабар бермаган Томон бундан келиб чиқадиган барча қалтисликлар учун жавобгарликни ўз зиммасига олади.

12.4. Суғурта Шартномасида баён этилмаган тарафлар ўртасидаги муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

**“ALFA LIFE INSURANCE”
АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ**

**БУЙРУҚ
№ 20-ИЧ**

2025 йил “27” март

Тошкент ш.

***Қарз олувчининг ҳаётини индивидуал суғурта қилиш бўйича оммавий офертани
амалга киритиш ҳақида***

Қарз олувчилар учун суғурта хизматларини такомиллаштириш, суғурта шартномаларини тузиш тартибини тизимлаштириш ва суғурта шартларини ягона тартибда қўллашни таъминлаш мақсадида,

БУЮРАМАН:

1. 2025 йил 01 апрелдан “Қарз олувчининг ҳаётини яқка тартибда суғурталаш” бўйича оммавий оферта иловага мувофиқ (ўзбек ва рус тилларида) тасдиқлансин.

2. Юрисконсулт ва Бош директор ўринбосари:

- Тасдиқланган офертани компаниянинг расмий веб-сайтида жойлаштиришни таъминлаш;

- Оферта мазмунини шериклар ва компания вакилларига етказиш чораларини кўриш;

- Жисмоний шахс-қарз олувчилар билан тузиладиган суғурта шартномаларида ушбу офертани қўллашни таъминлаш;

- Офертадаги шартларни амалдаги қонунчилик талабларига мувофиқлиги доимий тартибда назорат қилиш;

- Зарур ҳолларда офертани қўллаш бўйича тушунтириш материалларини тайёрлаш вазифалари юклатилсин.

3. Молиявий таҳлил, статистика ва активларни бошқариш департаментига суғурта премиялари (суғурта тарифлари) ва суғурта суммаларини ҳисоблашда тасдиқланган оферта қоидаларига амал қилиниши доимий тартибда назорат қилиб борилсин.

4. Мазкур буйруқ ижроси устидан назоратни ўз зиммамда қолдираман.

Бош директор



Ф.Х.Алимухамедов